



Зухра Арипова,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
«Шарқ филологияси» кафедраси мудири

XIV – XV АСРЛАРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ-МИСР МУНОСАБАТЛАРИ

XIV аср охири – XV аср боши Марказий Осиё минтақаси ва Миср учун тарихий воқеаларга бой ва муҳим даврдир. Бу пайтда мўғуллар ҳукмронлигидан батамом халос бўлган Марказий Осиё Соҳибқирон Амир Темур қўл остида йирик давлатга бирлаштирилган ва ташқи сиёсатни фаоллаштиришга уринаётган эди. Мисрда 1382 йил черкес мамлуклари етакчиси Барқуқ ҳокимият тепасига келган ва унинг давомчилари Миср, Шом, Ироқ ва Ҳижозни ўз ичига олган улкан мамлакатни 1517 йилгача бошқардилар.

Ўша даврда мусулмон оламидаги етакчилик мавзусини очишда Амир Темур ва унинг ўғли Шоҳрух Мирзонинг Миср султонлари билан дипломатик алоқалари ва ёзишмалари муҳим аҳамиятга эга. Миср тарихчиларидан аксариятининг гувоҳлик беришича, Амир Темур султон Барқуққа илк мактубини 1393 йилда йўллаган. Ўша йили октябрь ойида Бағдодни ишғол қилган Амир Темур Мовароуннаҳрнинг таниқли кишиларидан шайх Сувоҳ бошчилигидаги элчиларини қимматбаҳо ҳадялар ҳамда султон номига битилган хат билан Бағдоддан Қоҳирага жўнатди. Аммо султон Барқуқнинг буйруғига биноан Шом чегарасидаги ар-Раҳба деган жойда элчилар ҳибс қилинди, совғалар ва мактуб тортиб олинди.

Аслида ўша мактубда Амир Темур томонидан «ўзаро дўстона муносабатлар ўрнатиш, элчилар айирбошлаш ва савдогарларга иккала мамлакат ичра эркин ҳаракат қилиш» имконини яратиш таклиф этилган эди. Султон Барқуқ эса, ўша даврдаги дипломатия қоидаларига хилоф тарзда Шомдаги ноибига Амир Темур элчиларини қатл этишни буюрди.

Бундан ташқари, Барқуқ Усманийлар султони Боязид, туркман қора қуюнлилар қабиласининг бошлиғи қора Юсуф ва бошқалар билан бирга Амир Темурга қарши иттифоқ тузишга уринди. Шу йилнинг ўзида Барқуққа Соҳибқирондан иккинчи хат келди. Бу гал хат кескин руҳда ёзилган бўлиб, элчилар қатл этилгани ва Бағдоддан қочиб келган Аҳмад ибн Увайсга ёрдам бергани учун уруш очиш билан таҳдид қилинганди. Хат араб тилида сажъ услубида битилиб, унда Куръони каримдаги 7 та оятдан ишлатилгани эътиборга молик. Ибн Арабшоҳ ва Ибн Тағриберди ушбу хат ва Барқуқнинг жавобини ўз асарларида келтирганлар.

Султон Барқуқ ҳам жавоб хатида Куръондан 9 оят келтириб, Амир Темурни худосизликда айблади, ўзини ислом динининг ҳомийси деб атаб, фақат «амир ал-муминийн», яъни халифага итоат этажигини эълон қилди. Аммо Қоҳира халифаларининг диний раҳнамолиги батамом рамзий бўлиб, аслида улар султоннинг «қўғирчоғи»га айланиб қолганди. Шу нуқтаи назардан, Барқуқнинг даъвоси қуруқ сиёсат экани ўша давр муҳитида ҳаммага аён эди.

1398 йил декабрь ойида Амир Темур султон Барқуққа яна элчи юборади. Бу элчилар ҳам Шом чегарасида ушлаб қолинди, аммо улардан олинган хат Қоҳирага етказилди. 1399 йил султон Барқуқ вафот этди.

1400 йилнинг охирида Соҳибқирон Дамашқ шахрига яқинлаша туриб, янги султон Фаражга сулҳ тузиш, Амир Темур номидан танга зарб қилиш шартларини ўз ичига олган мактуб йўллади. Марказий Осиё–Миср муносабатларида биринчи бор султон Фараж элчиларни эъзоз-эҳтиром билан қабул қилди, уларнинг ҳузурида аскарлар саф тортди. Уларни ортга катта совғалар билан қайтарар экан, ўз элчиларини ҳам қўшиб жўнатди. Султон Фараж жавоб хатида Аталмишни беш кун ичида озод этишини ваъда қилиб, Амир Темур давлати билан дўстона муносабатлар ўрнатишга тайёр эканлигини билдирди.

Иккала давлат раҳбарлари хатлари дўстона руҳда ёзилган бўлса-да, ҳар икки қўшин тўқнашувга зимдан ҳозирлик кўраётгани аён эди.

Миср султони аскарларини тўплаб, кўриқдан ўтказди. Шайхулислом Сирожиддин Умар ва тўрт мазҳаб қозилари умумий сафарбарлик эълон қилди. Фараж халифа Мутаваккил ва қозилар ҳамроҳлигида ўз қўшинини Шом тарафга бошлади ва 1401 йилнинг январида Дамашққа кириб келди. Лекин Лочин исмли мамлук амири томонидан Қоҳирада унга қарши фитна уюштирилаётганидан хабар топган султон Дамашқни ташлаб, яширинча Қоҳирага жўнади. Амир Темур аскарлари эса қисқа қамалдан сўнг Дамашқни ишғол қилди.

Миср тарихчиси, «*Қиём давлат ал-мамолик ас-сонийа*» китоби муаллифи Ҳаким Абд ас-Саиднинг ёзишича, султон Фараж ниҳоят Аталмишни озод қилди: унга 5 минг дирҳам пул инъом қилиб, бир неча мамлук амирлари ҳамроҳлигида Амир Темур қароргоҳига жўнатди. Улар Самарқанд яқинида Кастилия (Испания) элчиси Руи Гонсалес де Клавихога дуч келдилар. Бу Кастилиядан юборилган иккинчи элчи бўлиб, мисрликлар кўз ўнгида Амир Темур уларни жуда илиқ кутиб олди ва қирол Генрихни «ўғлим», деб атади.

1403 йил Амир Темур султон Фаражга яна бир бор элчи йўллади. Элчи орқали жўнатилган хатда у Миср мамлук давлати билан дўстона муносабатлар ўрнатиш истагини билдирган бўлса-да, султон Фаражга кўк рангдаги махсус икки байроқ бериб юборган эдики, бундан султон Фаражни ўзига вассал (тобе) билиб, Миср ва Шомга ноиб этиб тайинланган, деган маъно келиб чиқарди. Ўз навбатида султон Фараж элчини қабул қилмади.

Шу йили султон Фаражга Соҳибқирондан яна бир нома келди. Унда Аҳмад ибн Увайс ва қора Юсуф Туркманий Амир Темур Бағдодда қолдирган гарнизонга ҳужум қилганлари учун норозилик билдирилганди. Султон Фараж жавоб хатида Аҳмад ибн Увайс ва қора Юсуф

Ҳалаб ноиби томонидан ушлангани ва уларнинг тақдири шу ноиб тасарруфида эканини хабар қилди. Шундан сўнг, Амир Темур ва Носир Фараж ўртасида яна бир неча бор элчилик алоқалари давом этди.

Далиллар кўрсатадики, хатлар алмашинуви Амир Темур учун ўзига хос дипломатик «усул» эди. Аслида у Мисрга юришни режалаштирмаган, балки энг асосий рақиблари – усмонли турклар ва Хитойга ҳужум уюштиришдан аввал Мисрни бетараф қолдириш ва иложи бўлса, уни тинч йўл билан тобе қилиб, сўнг ундан мадад олишни кўзлаган. Амир Темур бу мақсадига эришди ҳам.

Бу фикрни тасдиқловчи яна бир муҳим далил бор. Хитойга юришга тайёргарлик жараёнида Амир Темур Миср билан сулҳ тузиш учун муайян қадамлар ташлаган. У Кониғилдаги катта маросимда қатнашган Миср султони элчиси орқали узунасига 17, энига 3 газдан иборат қоғозга зарҳал ҳарфлар билан битилган дўстона мактуб юборди. Мавлоно Абдуллоҳ Кеший исмли кишини юбориб, Соҳибқирон султон Фаражга сулҳ шартномасини имзолашни таклиф этди. XIV аср охири XV аср бошида яшган Миср тарихчиси Ибн Дўқмоқнинг таъкидлашича, бу сулҳ ҳақиқатан имзоланган ва Миср султони ўзини Амир Темурга вассал (тобе) деб эътироф қилган.

Амир Темурнинг вафотидан сўнг тахтга келган Шоҳрух дастлаб Ҳирот, Хурсон ва Мозандаронда ҳукмронлик ўрнатди. Сўнг акаси Мироншоҳнинг ўғли Халил Султондан Мовароуннаҳрни қайтариб олди ва ўзининг номидан бошқариш учун у ерга ўғли Улуғбекни ҳоким қилиб тайинлади. Шоҳрух (1405 – 1447) нинг фаол ташқи сиёсати натижасида давлат чегараси кенгайиб, тез орада Мовароуннаҳр ва Форс ерларини тўлиғича ўз назоратига олди. Қора қуюнлилар давлати Шоҳрухга жизя тўлай бошлади. Кермон ҳам тобе бўлди.

Шоҳрух давлати яна Амир Темур давридаги каби Миср ва Шомни ўз ичига олган мамлуклар султонлиги билан чегарадош бўлиб қолди. Улар ўртасида муайян муносабатлар ўрнатилди. Алоқаларнинг бу янги палласи 1429 йили Мисрда Барсбой султон ҳукмронлиги даврида бошланган бўлса ажаб эмас. Ҳарқалай, шу йили Шоҳрух Миср султони элчи жўнатган ва ундан машҳур Миср тарихчиларидан Ибн Ҳажар Асқилонийнинг «*Фатҳ ал-Борий фи шарҳ саҳиҳ ал-Бухорий*» ва Тақий ад-дин Ал-Мақризийнинг «*Ас-Сулуқ фи маърифа дувал ал-мулуқ*» китобларини юборишни сўраган. Ибн Ҳажарнинг мазкур китоби 13 жилддан иборат бўлиб, Бухорийнинг «Саҳиҳ»ига шарҳ тарзида ёзилган ва мусулмон оламида катта шуҳрат қозонган, унинг ҳар бир нусхаси ўша даврда 300 динарга баҳоланган. Энг муҳими, элчи орқали юборилган мактубда Шоҳрух Каъба учун ўзи махсус тайёрлатган «кисва» (каъбапўш) юборишга ижозат сўраган.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, ҳар ҳаж мавсуми охирида каъбапўш тайёрлаш ҳуқуқини Мисрни 1250 йилдан бери бошқараётган мамлук султонлари деярли икки аср давомида ўз қўлларида сақлаб келардилар. Бу уларга мусулмон дунёсида раҳнамолик қилиш имконини берарди. Шу сабабдан султон Барсбой бу илтимосга рад жавобини бергани табиий. Шоҳрухнинг кисвага даъвогарлиги масаласи Миср халқ оммаси орасида тез тарқалиб кетди ва катта шов-шувни юзага келтирди. Сабаби – Амир Темур қўшини Шом шаҳарларини ишғол қилган пайтдаги хотиралар ҳали унут бўлмаган эди.

Келаси йили Шоҳрух айнан юқоридаги мақсадни кўзлаб, Мисрга иккинчи элчисини юборди. Шерознинг энг мўътабар хонадонига мансуб бўлган зодагон элчи султон Барсбойга Шоҳрух Мирзо Каъбага албатта кисва ёпажаги ҳақида қасам ичганини билдирди. Барсбой

қасам хусусида тўртта мазҳаб қозилари кенгашини чақиртирди. Қозилар Мисрда кiswa учун ажратилган махсус вақфлар мавжудлиги ва шу туфайли харажатлар тўлиқ қопланаётгани, Шоҳрух томонидан кiswa тайёрлашга ҳеч қандай эҳтиёж йўқлигини таъкидладилар.

Албатта, бу жавоб Шоҳрух Мирзони қониқтирмади ва у Миср қозиларини ноҳолисликда ҳамда султон розилиги йўлида ва ўзларининг манфаатларини кўзлаб ҳукм чиқаришда айблади.

1435 йили у учинчи мактубни йўллаб, Қуддус шаҳрини зиёрат қилиш истагини билдирди. Манбалар гувоҳлик беришича, бу воқеадан сўнг халқнинг қўрқинчи орта борди. 1436 йилда Шоҳрух Мирзо султон Барсбойга кескин услубда ёзилган хатини йўллаб, унда ўз номига хутба ўқилиши ва унинг исми билан танга зарб қилиниши талабини қўйди. Бу талаб қабул қилинган тақдирда вассалликни очиқ-ойдин тан олиш билан баробар бўларди.

Султон Барсбой ҳам ўзига хос жавоб қилди: у элчини таҳқирлаш, хат билан бирга юборилган сарпони йиртиб ташлашни буюрди. Айтишларича, султоннинг бу қарори сарой аҳли ва тарихчиларнинг аксариятига ёқмаган. Масалан, XV аср машҳур Миср тарихчиси Ибн Тағриберди ўзининг *«Китоб ан-Нужум аз-Зоҳира фи мулук Миср ва-л-Қоҳира»* китобида султон Барсбойни танқид қилиб, «хатга вазминлик ва босиқлик билан жавоб қайтариш, мамлук қўшинларининг заифлигидан сир бой бермаслик керак эди», деб ёзган.

Нима бўлганда ҳам, Шоҳрухнинг элчиси Ал-Мақризийнинг *«Ас-Сулуқ фи маърифа дувал ал-мулук»* ва Бухорийнинг *«Саҳиҳ»*ига Ибн Ҳажарнинг шарҳидан бир нусхадан олиб қайтган.

Шоҳрух ва Барсбой ўртасидаги муносабат шу зайлда кескин давом этган. Ўша давр тарихчиларининг шарҳлашича, агар султон Барсбой 1438 йил тўсатдан вафот этмаганида улар ўртасида

катта уруш чиқиши муқаррар эди. Аслида, Шоҳрух давлати ва Миср мамлуклар султонлигининг ўзаро кураши ва рақобати замирида Фрот дарёсининг юқори оқимида, яъни ҳозирги Ироқнинг шимоли ва Шомнинг шимоли-шарқида ўз ҳукмронлигини ўрнатиш мақсади яширинган эди.

1438 йил Барсбойнинг вафотидан сўнг Миср тахтига мамлук султони Жақмоқ ўтирди. Шоҳрух фурсатдан фойдаланиб, у билан алоқаларни тубдан яхшилади. Шоҳрух Каъба кисвасини тайёрлаш шафани қўлга киритиш ниятидан ҳали ҳам воз кечмаган ва ҳар сафар бу ҳақда эслатиб турарди. Ниҳоят, султон Жақмоқ 1443 йил Шоҳрух Мирзонинг каъбапўш тайёрлаш ҳақидаги илтимосига розилик берди. У буни ўзаро кескинликни юзага келтирмаслик мақсадида қилди. Қолаверса, у Шоҳрух Мирзога фақат ич томонидан ёпиладиган, яъни Миср султони кисваси остига қўйиладиган каъбапўш тайёрлашни шарт қилиб қўйди.

Жақмоқнинг розилиги олинган заҳоти Шоҳрух Мирзо Қоҳирага Каъба кисваси билан ўз вакиллари юборди. Улар Мисрдан ҳажга борадиганлар гуруҳи билан бирга муқаддас ерларга жўнамоғи лозим эди. Миср султони меҳмонларни қалъада қабул қилди. Маккаи мукаррамада шу йили Шоҳрух кисваси Каъба устига Миср султони каъбапўши остидан ёпилди. Шоҳрух Мирзо 1447 йилда вафот этган бўлса-да, унинг номидан тайёрланган кiswa 1452 йилгача Каъба устига ёпилди.

Албатта, Амир Темур ва Шоҳрух Мирзонинг Миср султонлари билан ўзаро ёзишма ҳужжатлари, энг аввало, ўша даврдаги мусулмон оламидаги кучлар нисбатини яққол намоён қилади. Иккинчи ва энг муҳим томони эса, Марказий Осиё–Миср муносабатларининг кескин давларида (1386 – 1405 йиллар) давлат етакчилари томонидан кўрилган дипломатик тадбирларга ойдинлик киритади.